САОДАТНОМА

# ҲАНАФИЙЛИК — МЎЪТАДИЛЛИК

ИККИНЧИ МАҚОЛА

### 3.

Абу Ҳанифа ва унинг издошлари **қиёс** (кўрилаётган масалага ўхшаш олдин содир бўлган ҳолатлар билан таққослаш) принципидан мантиқий фойдаланган ҳолда, **истиҳсон** («яхшиси ёки афзалини танламоқ») тамойилини ишлаб чиқдилар ва уни ҳаётга кенг татбиқ этишга муваффақ бўлдилар. Истиҳсон тамойилининг қулайлиги ва ҳаётийлиги шу билан боғлиқ эдики, муайян муаммо бўйича қарор қабул қилиш жараёнида қиёсга асосланган ҳолда, у жамият учун фойдалироқ ҳални ихтиёр этиш, янада соддароқ қилиб айтганда, икки ёки ундан кўп вариантлардан, ақидавий ҳарфхўрликдан сақланган ҳолда, жамият ва давлат учун энг фойдали йўлни танлашга имкон яратади. Бу каби ёндашиш, ўз навбатида, исломдан олдин шаклланган маҳаллий одатлардан **(урф)** мусулмон ҳуқуқшунослиги — фиқҳнинг қўшимча, лекин мустақил манбаи сифатида фойдаланиш имконини вужудга келтирди. Бунинг натижасида соф исломий ақидаларнинг турли халқлар миллий менталитетига мослашувига қулай шароит яратилиб, ҳар хил минтақаларда исломнинг ўзига хос тараққиётига йўл очилди. Ҳанафийлик таълимотининг худди ана шу хусусияти, бизнинг фикримизча, Марказий Осиёнинг туб аҳолиси, жумладан туркий халқлар томонидан алоҳида эъзозланди ва бағрикенглиги билан ажралиб турадиган «юмшоқ» ҳамда мўътадил маҳаллий исломнинг гуркираб ривожланишига сабаб бўлди. И.П.Петрушевский ҳақли равишда таъкидлаганидек, туркий халқлар ислом билан бирга ҳанафийлик фиқҳини қабул қилгани сабаби ҳам ана шундадир. Ушбу бағрикенглик туфайли ҳанафийлик мазҳаби Кичик Осиё, Болқон, Шимолий Кавказ, Қора денгиз ҳавзаси, Поволжье, Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ярим ороли, Хитойнинг дашт ўлкалари ва Индонезия бўйлаб кенг ёйилди ҳамда маҳаллий халқлар томонидан қабул қилинди. Ҳанафийликнинг «эгилувчанлиги», ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт эҳтиёжларини соғлом идрок этиши — унинг улкан жуғрофий ҳудудлар бўйлаб ёйилиши ва уларда ҳукмрон диний эътиқод сифатида қарор топишини осонлаштирди. Шунингдек, унинг бошқа динларга эътиқод қилувчиларга муносабатида «Динда мажбурлаш йўқ» деган Қуръон оятига содиқлиги ҳам қўшимча ёрдамчи омил вазифасини ўтади.

Абу Ҳанифанинг ислом ақидалари шаклланишига қўшган улкан ҳиссасини барча мусулмон олами ва энг машҳур уламолар бир овоздан тан оладилар. Унга замондош бўлган ва унинг вафотидан кейин дунёга келиб, суннийликнинг қолган учта — шофиийлик, моликийлик ва ҳанбалийлик мазҳабларини яратган Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиий (767-819 йиллар), имом Молик ибн Анас (713-795 йиллар) ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (780-835 йиллар) ҳам исломий илмлар ва хусусан фиқҳда Абу Ҳанифанинг ўзларидан устунлигини такрор ва такрор таъкидлаганлар. Ҳажман ҳанафийликдан кейинги мазҳаб — шофиийлик асосчиси Имом аш-Шофиийнинг бу ҳақдаги фикрлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Унинг таъкидлашича, фиқҳ илмида барча «Абу Ҳанифанинг оиласидир» (яъни, унинг болаларидир). Имом аш-Шофиийнинг Абу Ҳанифа даҳосига бўлган юксак эҳтиромини қуйидаги эътироф ҳам кўрсатиб туради: «Ҳеч бир аёл Имоми Аъзамдек ақлли буюк ўғлонни туққан эмас».

### 4.

Ҳанафийлик Марказий Осиёга ислом футуҳотларининг илк давридаёқ кириб келди. Унинг маҳаллий шароитларга мослашиш қобилияти, турли маданиятлар ва урф-одатларни қатъий инкор этмаслиги, балки, аксинча, баъзан уларга, баъзан эса уларни ўзига сингдира олиш хусусияти қадим замонлардан ўзининг бағрикенглиги билан машҳур бўлган маҳаллий халқларнинг унга қизиқишини кучайтирди, кўникишини осонлаштирди, дейишга асос беради.

Ҳанафийлик ақидаларининг янада такомиллашуви ва уларнинг маҳаллий шароитларга мослашувини таъминлаш ишига минтақамизда туғилиб, вояга етган қатор уламолар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Улар орасида IX-X асрларда яшаган Муҳаммад ибн ал-Ямон ас-Самарқандий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Исҳоқ ал-Ҳаким ас-Самарқандий, кейинчалик — XI-XII асрларда — Абул Муъин ан-Насафий, Абул Юср ал-Баздавий, Абу Ҳафс ан-Насафий, Нуриддин ас-Собуний ал-Бухорий, Абу Лайс ас-Самарқандий, Бурҳонуддин ал-Марғинонийлар бор.

### 5.

Ҳанафийликнинг Мовароуннаҳрда қарор топиши ва ривожланишига Абу Мансур ал-Мотуридий томонидан асос солинган ва унинг муҳолифлари томонидан «ал-мотуридийя» («мотуридийлик») деб аталган мусулмон фиқҳий-каломий мактабининг роли беқиёс бўлган. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири — назарiёт ва амалиётнинг бир-бирига қўшиб олиб боргани, дейиш мумкин. Масалан, мотуридийлик мактабининг йирик намояндаларидан Абул Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Зайд ал-Ҳаким ас-Самарқандий узоқ йиллар Самарқанд қозиси лавозимини эгаллаб турган. Шунинг учун ҳам унинг бош асари — «ас-Савод ал-Аъзам» ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Китоб туркий тилга таржима қилиниб, 1878 йили Қозонда ва 1288 ҳижрий йилда Истанбулда нашр этилгани ҳам мазкур хулосани тасдиқлайди.

Мовароуннаҳрда ҳанафийликнинг мутлақ кўпчилик эътиқодига айланишига катта ҳисса қўшган аллома, шубҳасиз, қаршилик Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ал Ҳусайн ибн Абдул Карим ибн Мусо ибн Ҳусайн Мужоҳид ал-Баздавий бўлган. Алломанинг энг машҳур асари ўзида 96 диний масаланинг шарҳини мужассамлаштирган «Усул ад-Дин» («Дин асослари») китоби бўлиб, у ал-Мотуридийнинг «Китоб ат-Тавҳид»и шарҳидан иборатдир.

Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Макҳур ибн Аби-л-Фазл Абул Муъин ан-Насафий Мовароуннаҳр ҳанафийлиги — мотуридийлик мактабининг яна бир ёрқин юлдузи бўлган. Унинг муътазийликка қарши ёзилган «Тафсират-ул-Адилла» («Далиллар шарҳи»), «Баҳр-ул-Калом» («Калом илми денгизи»), «ат-Тамҳид» («Кириш»), «Шарҳ-ул-Жомеъ ал-Кабир лиш-Шайбоний» («аш- Шайбонийнинг «Катта тўплам»и шарҳи») каби асарлари ўзининг ҳаётийлиги туфайли Мисрда бир неча марта қайта нашр этилган.

Абу Ҳафс ан-Насафий деган ном билан машҳур бўлган Нажмиддин ан-Насафий Умар ибн Муҳаммад ибн Али Луқмон ал-Ҳанафий ан-Насафий ас-Самарқандий ўзининг «Мажмаъ-ул-улум» («Илмлар қомуси»), «ат-Тайсир фи тафсир ал-Қуръон» («Қуръон тафсирини осонлаштириш»), «ан-Нажоҳ фи шарҳи «Китоб Ахбор-ис-Сиҳоҳ» (Ахбор-ис-Сиҳоҳ» шарҳи муваффақияти» — Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомиъ ас-Саҳийҳ» шарҳи) каби асарлари билан Мовароуннаҳр ҳанафийлик мактабининг яна бир сўнмас юлдузи даражасига кўтарилган аллома сифатида тарихда қолди.

Мовароуннаҳрда ҳанафийлик ривожининг юксак чўққиларга кўтарилишига ўзининг катта ҳиссасини қўшган яна бир аллома Аҳмад ибн Аби Бакр ас-Собуний ал-Бухорийдир. Унинг қаламига мансуб «ал-Бидоя фи усул ад-дин» («Дин асосларига кириш»), «ал-Муғний фи усул ад-дин» («Дин асослари ҳақида етарли билимлар»), «ал-Кифоя фил-Ҳидоя» («Ҳидоя ҳақида етарли билимлар») каби асарлар ҳанафийлик таълимотини маҳаллий шароитлар билан янада уйғунлашуви, демакки, унинг ҳукмрон диний эътиқодга айланишига хизмат қилди.

Ҳанафий мазҳабининг нафақат Мовароуннаҳр бўйлаб, балки мусулмон халқлар ҳаёт кечираётган кенг жуғрофий ҳудудларда ёйилиши ва унинг миллионлаб одамларнинг мустаҳкам эътиқодига айланишига сабаб бўлган омиллардан бири — унинг диний ҳарфхўрлик ва таассубдан йироқ соғлом фикрга таянишидир. Ҳанафийликни янада ривожлантирган мовароуннаҳрлик алломалар — бизнинг машҳур бобокалонларимизнинг хизматларидан бири шундан иборатки, улар, «Китоб ат-Тавҳид»да таъкидланганидек, «динни соғлом англашнинг йўли иккитадир: бири — қулоқ (эшитиш) билан, иккинчиси — ақл билан идрок этиш» деган ғояни ҳимоя қилганлар. Доно аждодларимиз, Аллоҳни билишда ақл эшитиш билан ҳамкор бўлиши зарур, деган эътиқодда собит турганлар.

Қаршилик уламолар — Абул Муъин ан-Насафий ва Абул Юср ал-Баздавийнинг бир хил номланган «Китоб фи усул ад-дин» («Дин асослари китоби») асарлари ҳанафийлик қоидаларини маҳаллий шароитларга янада мослашувига хизмат қилган бўлса, Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Ақоид ан-Насафи (иккинчи номи — «ал-Ақоид ан-Насафийя»), бухоролик аллома Нуриддин ас-Собунийнинг «ал-Мухтасар фи усул ад-дин» («Дин асослари ҳақида қисқача қўлланма») ҳамда марғилонлик буюк фақиҳ ва мужтаҳид Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг (вафоти 1197 й.) ўлмас «ал-Ҳидоя» китоблари нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барча мусулмон мамлакатларида маълум ва машҳурдир. Улар дунё ҳанафийлари учун бамисоли бир дарслик вазифасини ўтамоқда. Шунинг учун ҳам ҳатто Ғарб исломшунос олимлари томонидан ҳамон катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Ушбу ўринда тўла исми шарифи Абул Ҳасан Али ибн Аби Бакр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний ҳақида батафсилроқ тўхталиш мантиқий кўринади. Юқорида зикр этилган «ал-Ҳидоя» асари ўз ичига 53 рисолани (турли фиқҳий масалаларга оид мустақил китобчалар) олган бўлиб, у ўз даврида, диний, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган ҳанафийлик ҳуқуқи бўйича энг ишончли дастуруламал вазифасини ўтаган. Алломанинг «Нашр ал-мазҳаб» («Мазҳабнинг ёйилиши»), «Китоб ал-фароиз» («Мерос масалалари китоби»), «Китоб маносик ал-Ҳаж» («Ҳаж маносиклари китоби»), «Мазид фи фуруъ ал-ҳанафийя» («Ҳанафийлик фиқҳига илова», «Китоб ат-тажнис вал-мазид» («Фуқаролик ҳуқуқлари китоби») каби асарлари ҳанафийликнинг умумий қоидалари, фиқҳий ва шаръий жиҳатларини янада такомиллаштиришга қўшилган улкан ҳисса бўлди. Гарчанд ал-Марғинонийнинг асарлари Мовароуннаҳр шароитини назарда тутиб ёзилган бўлса-да, лекин уларнинг назарий ва амалий пухталиги, хусусан, «ал-Ҳидоя»нинг мукаммаллиги уни бутун дунё ҳанафийларининг дастуруламалига айлантирди. Шунинг учун ҳам тахминан 800 йилдан бери у ҳанафийликка эътиқод қилувчиларнинг маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондириб келмоқда.

### 6.

Демакки, номлари ва асарлари зикр этилган бобокалонларимиз нафақат пурмазмун тарихимиз, балки умуммусулмон цивилизацияси-маданиятининг сўнмас юлдузлари сирасига кирадилар.

Афсуски, мустамлакачилик даври ва даҳрийлик ғоялари шароитида номлари ва хизматлари ўта мухтасар зикр этилган аждодларимиз — буюк уламолар ҳақида халқимиз энг оддий маълумотларга ҳам эга бўлмаган. Назаримизда, бошқа сабаблар билан баробар, мазкур нуқсонлик, яъни аждодларимизнинг ҳақиқий инсонпарвар ва тараққийпарвар ислом таълимотини шакллантиришга қўшган улкан ҳиссасини билмаслик ҳам, охирги пайтларда халқимиз орасидан чиқаётган айрим ақидапараст тоифаларнинг мазмун ва моҳияти исломни ичдан бузиш бўлган, бизнинг соф диний анъаналаримиз учун мутлақо ёт баъзи мутаассиб диний оқимларга берилиб кетишига қисман сабаб бўлмоқда.

**Зоҳидилло МУНАВВАРОВ.**

---

Муносабат

## ҲАҚИҚАТНИ АНГЛАШ

Олий Мажлиснинг XI сессиясида Президентимиз мамлакатимизга бўлган хавф ва таҳдидларни таҳлил қилиб, болаларимиз тақдири учун ёниб ҳаракат қилиш, уларни бундай ёвуз хавфдан ҳимоя қилиш зарурлиги ҳақида гапириб, «фарзандларимизни ким тўғри йўлга солади, ким уларнинг онгини тозалайди, ким уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суяниб яшашни ўргатади, тарбиялайди?» деган саволни ўртага ташлаган эдилар. Ва ўзлари бу саволга қуйидагича жавоб қайтардилар: «Афсуски, бундай ишлар ҳозирча йўқ даражада! Нима учун бу масалада лоқайдликка, бепарволикка йўл қўйиляпти?»

Дарҳақиқат, нима учун? Балки бу саволнинг жавобини яқин ўтмишимиздан изласак тўғри бўлар? «Жанговар» атеизм шароитида вояга етган, фақат «юқори»дан юбориб турилган кўрсатмаларга асосланган ва уларни сўзсиз бажариб келган, ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган ҳамда қарийб етти йиллик мустақиллик шароитида яшаб, ушбу иллатлардан, эски психологиядан халос бўла олмаётган инсонлар ҳали анчагина эканлиги юртбошимиз қайд қилиб ўтган лоқайдлик ва бепарволикнинг сабабларидан эмасмикан?..

Аслида, ҳар бир шахс ўз фикрига эга бўлиб, уни очиқ айта олиши керак. Дин, мафкура масаласи бундан мустасно эмас. Лекин ҳамма бало бехабарликда. Бехабарлик эса билимсизлик оқибатидир. Ахир, кўпчилигимиз фақат яқиндагина суннийликнинг ҳанафий, ҳанбалий мазҳаблари тўғрисида, ваҳҳобийлик ҳақида айрим маълумотлардан хабардор бўлдик. Ваҳоланки, ваҳҳобийлик ва унинг ҳақиқий моҳияти тўғрисида араб, турк, инглиз, рус тилларида кўплаб китоблар чоп этилган.

Шу ишлар билан бир қаторда, ушбу муаммоларга бағишланган рисолалар чоп этилса, газеталарда мақолалар босилиб чиқса, телевидение ва радио орқали кўрсатув ва эшиттиришлар бериб борилса, ҳар бир одамнинг ўзи масала моҳиятига етиб борарди, ким ҳақу ким ноҳақ, нима ёмону нима яхшилигини тушуниб оларди. Улуғ аллома Рудакий айтганидек: «Билим барча кулфатларга қалқондир».

Ўтмиш донишмандларидан бири билим тўрт хил бўлишини таъкидлаган эди. Биринчиси — ҳақиқатни англаш; иккинчиси — ҳақиқатта боғлиқ ҳамма нарсаларни англаб етиш; учинчиси — ҳақиқатнинг ўрни ва мавқеини англаш; тўртинчиси — ҳақиқатта қарама-қарши бўлган ва уни обрўсизлантиришга қодир нарсаларни англаш.

Демак, билим орқали ҳақиқатни англаган инсон эътиқодга суяниб яшаш илмидан огоҳ бўлади. Бу йўлда олдимизда катта вазифалар турибди.

**Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**«Самарқанд» газетаси бош муҳаррири.**

---



*Боболардан сўзладим, аммо*
*Бир зот борким, баридан суюк:*
*Буюкларга бахш этган даҳо,*
*Она халқим, ўзингсан буюк!*

---

* ТАФАККУР ЖИЛОЛАРИ *

## БУЮКЛИК АҚЛЛИЛИКДИР

Ислом олимлари ақлнинг аҳамияти ва юксак қийматини кўрсатиш учун бу хусусда бир қанча ҳадис ривоят қиладилар. Мана, ўша ҳадислардан баъзилари:

— «Оллоҳ таоло аввал ақлни яратди. Кейин унга: «Кел» деди. У келди. «Кет», деди. У кетди. Кейин яна: «Буюклигим ва улуғлигимга қасамки, наздимда сендан қимматлироқ бўлган бир нарса яратмадим. Кимга нима берсам, сен туфайли бераман, кимни нимадан маҳрум этсам, уни сендан маҳрум қилиб, ўша нарсадан маҳрум этаман. Кимга савоб ёки жазо берсам, фақат сен туфайли бераман», дея хитоб қилди».

— «Бир куни саҳобалар Ҳазрати Пайғамбарнинг (С.А.В.) ҳузурларида бир кишини мақташди. Пайғамбар (С.А.В.): «Ақли қандай?» деб сўрадилар. Саҳобалар унинг ибодати, ахлоқи, одоби ва фазилатлари ҳақида гапиришди. Ҳазрати Муҳаммад (С.А.В.) яна: «Хўш, ақли қандай?» деб савол бердилар. Саҳобалар аввалги гапларини яна такрорлашди. Шунда Пайғамбар (С.А.В.) шундай марҳамат қилдилар: «Ибодат этувчи ақлсиз киши бошига унинг жаҳолати сабабли келадиган мусибат гуноҳкорнинг бошига гуноҳи туфайли келадиган мусибатдан буюкроқдир. Инсонлар эртага яқинлик поғоналарида ўз ақлларига яраша мартабага эга бўладилар».

— «Инсон яхши хулқи туфайли кечаси намоз ўқиб, кундузлари рўза тутадиган кимсанинг даражасига эришади. Аммо кишининг ақли комил бўлмаса, хулқи ҳам мукаммал бўлмайди. Ақли мукаммал кишининг иймони ҳам комил бўлади. Бундай киши Роббига итоат этиб, иблисга қарши курашади».

— «Ҳар нарсанинг бир асоси бўлади, мўмин киши суянадиган асос ақлдир. У ақли ўлчовида ибодат қилади. Гуноҳкорларнинг жаҳаннамда: «Нақлга ва ақлга эргашсак эди, дўзахда ёнувчилардан бўлмасдик», (Мулк сураси, 10-оят) дейишларини эшитмадингизми?»

— «Буюклик ақллиликдир».

— «Инсонлар ҳар хил хайрли амаллар қилиб Оллоҳга яқинлашганларида, сен унга ақлинг билан яқинлаш».

— «Қанчалик кўп ақлли бўлсанг, шунча кўп Роббингга яқин бўласан».

Исломдаги барча ҳукмлар диний нуқтаи назардан ҳам, ақлан ҳам мақбул ва тўғри ҳукмлар бўлиб, ақлан тўғри, яхши ва гўзал ҳар нарса динан ҳам тўғри, яхши ва гўзал саналади. Ислом ақлга мақбул ва мос келган нарсаларга буюриб, унга номақбул ва тескари ишлардан қайтаради.

**Одам АСАЛ ўғли.**

---

АКС САДО

## МУСТАҚИЛЛИК МАНФААТЛАРИ

Ҳадемай истиқлолга эришганимизга ҳам етти йил тўлади. Бу давр ичида бутун борлиқ ўзгариб кетди. Яқин ўтмишдаги носоз тузум замонида фалаж ҳолига келтириб қўйилган инсон онги ўсиб, оқ-қорани таний бошлади. Энди кечаги ўлчову мезонлар бугунги кун талабига жавоб беролмай қолди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг эски таҳриридаги мавжуд камтиклари тўлдирилиб, янги таҳрирда қабул қилинганлиги айни муддао бўлди. Баъзи кимсаларнинг Қонундаги ҳуқуқларни суиистеъмол қилишлари, Конституция мажбуриятларини унутиб қўйишларининг олди олинадиган бўлди. Халқимизнинг тинчлигини, диёримиздаги тарихий ўзгаришларни кўролмайдиган бахил нусхаларнинг қонуний тийилиши жуда ўринлидир.

Кейинги пайтлардан айрим вилоятларда содир бўлган ташвишли воқеалар, одам ўлдиришдек ваҳшийликларгача борган, беозор диндор қарияларни камситиб дилларига озор бераётган «ваҳҳобийлар» кимлар ўзи?! Улар учун Ватан, миллат ва ҳур замон туйғуси борми, ўзи?

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида «Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билан тузилади», деб белгиланиши (эски таҳрирда ўн киши деб белгиланган эди) оқилона бўлган.

Бунга қўшимча йўлбошчимиз томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунда «Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек, хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш» масалалари ҳар томонлама таҳлил этилиб, қонунчиликни бузувчиларга нисбатан қаттиқ маъмурий жазолар белгиланиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Қонуннинг янги таҳрири мустақиллик манфаатларига хизмат қилиб, мамлакатимизда яшаётган турли дин вакиллари орасидаги тотувлик, барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида ўз ҳиссасини қўшишига умидвормиз.

**Омонулла МУТАЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича қўмитанинг масъул ходими.**

---

Таклиф

## БОБОНГИЗ КИМ, БОЛАЖОН?

Қадимда эшитганим бор: айтишларича, бизнинг ота-боболаримиз ўзларининг етти пуштини, авлод-аждодини ҳеч иккиланмасдан айтиб берар экан. Ҳатто улар ўз авлодларининг насл-насабидан тортиб, бошларидан кечган қувончли ва ташвишли воқеаларгача биларкан. Ҳайрон қоласан, киши. Одамзот пайдо бўлибдики, бу дунёнинг ғалати тилсимотларини билмоққа қизиқади. Тўрт атрофдаги воқеа-ҳодисотларнинг сир-асрорларини гоҳ англаб, гоҳ англолмай ҳайрон. Бугун-чи?



ХХ асрнинг фарзандлари ўзларининг нечта авлодларини биладилар? Қани, қай биримиз лоақал бешта пуштимизни айта оламизми? Афсуски, йўқ! Бунинг турли сабаблари бор. Аввало, менинг назаримда, аксарият оилаларда ота-оналар ўзларининг насл-насаблари хусусида деярли фарзандларига маълумот бермайдилар. Чунки уларнинг ўзлари билмайдилар-да! Бу оммавий равишда тус олган десам, янглишмайман. Чунки шўролар замонидан қолган «мерос»лардан ҳалиям қутулолмаяпмиз. Негаки, ўша пайтларда оила, авлод-аждод шажараси тўғрисида гапириш, ёзиш, маълумот тўплашга жуда кам эътибор бериларди. Фақатгина кекса қариялар ўртасидаги гурунгларда шажаралар тилга олинарди. Энди нима қилиш керак?

Таклифим: аввало, оилаларда, қолаверса, мактабларда болаларга ўзларининг шажаралари тўғрисида сабоқлар бериш пайти келди. Агар имкон топилса, ота-оналар ва муаллимлар ёшларга ўзларининг авлод-аждодлари насл-насабларини билиш маълумотномаларини ишлаб чиқсалар яхши бўларди. Ҳар қандай инсон ўз Ватани, ҳудуди, миллати тарихини яхши билганидек, ўз авлодини, яъни илдизини чуқур билса ёмонми?

**Зокирхон АФЗАЛОВ,**
**техника фанлари доктори, профессор.**

